Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 4 Июнь Чоршанба.
№ 43 (14435)

Республика Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир Ў. Султонов раислигида иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарни инвентаризациялаш республика комиссияси ҳамда банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг қўшма мажлиси бўлди.

Унда вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, бир қанча корхоналар ва ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қошида ишлаб турган иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналар қўмитасининг раиси М. Умаров инвентаризациялаш якунлари тўғрисида ахборот берди.

Бугунги кунгача республикада халқ хўжалигининг турли тармоқларида 3990 корхонада инвентаризация ўтказилди. Уларнинг бир қисмида ишлаб чиқариш тузилмасини ўзгартириш ёки бошқа маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш, шунингдек, уларнинг оёққа туриб олиши учун ёрдам бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

## Президент Ислом Каримовга Қозоғистон Республикасининг ордени топширилди

**Алмати, 2 июнь. / ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади/.** Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонга келди. Алмати аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қозоғистон Бош вазири А.Кўжегелдин ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Қозоғистон Президенти саройида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев пешвоз чиқди. Шу ерда мамлакатимиз раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Қозоғистон Президенти қароргоҳида икки мамлакат давлат раҳбарларининг яккама-якка учрашуви бўлди. Шундан сўнг, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Музокараларда, айниқса, эркин савдо, ўзаро сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш, қонунчилик соҳасида ҳамкорлик ҳамда ахборот алмашувини йўлга қўйиш каби масалалар юзасидан кўплаб фикрлар алмашилди.

Икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари якунида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация, ҳуқуқий ёрдам ҳамда фуқаро, оила ва жиноят ҳуқуқлари бўйича муносабатлар ҳақидаги шартнома, икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш тўғрисидаги протокол, шунингдек, савдо-сотиқ, алоқа, темир йўл, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар имзоланди. Сўнгра Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, халқларимизни янада яқинлаштириш, ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги буюк хизматлари учун мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовга «Алтын Қиран» /Олтин бургут/ орденини тақдим этди. Ҳукуматлараро ҳужжатларни имзолаш маросимидан кейин Президентлар И.Каримов ва Н.Назарбоевнинг маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда икки мамлакат давлат раҳбарларининг юзма-юз суҳбати ҳамда бўлиб ўтган музокаралар натижалари ҳақида сўз борди.

Кечқурун Алматидаги республика саройида Президент Ислом Каримов шарафига қозоғистонлик санъат усталари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди. Оқшом Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев номидан қабул маросими бўлди.

Президент Ислом Каримовнинг Қозоғистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

**/ЎзА/.**

*''Камолот'' янгиликлари*

## АРЗИЙДИГАН ИШЛАР КЎП

Кеча Қумқўрғонда ёшларнинг жамоатчилик марказлари ишини ташкил этиш бўйича вилоят семинар кенгаши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда ташкил этилган жамоатчилик марказлари раҳбарлари Қумқўрғонда тўпланган иш тажрибаси билан танишдилар. Айниқса уларга Қумқўрғон гидромелиорация техникуми, Сафар Бойматов номли жамоа хўжалиги, шунингдек бизнес мактабидаги жамоа марказларининг иш тажрибаси маъқул келди.

Семинарда ''Камолот'' жамғармаси вилоят бўлими раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Жуманазар Қурбонов, Қумқўрғон тумани ҳокими Абдулла Мавлонов, вилоят ҳокимлигининг бош мутахассиси Ш.Холмуродова, ''Камолот'' жамғармаси Қумқўрғон туман бўлимининг раиси Бахтигул Норматова ва бошқалар ёшлар билан ишлаш муаммоларини ҳал қилиш йўллари ҳақида сўзладилар.

Бундай семинар кенгашларни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олинди. Чунки анжуман қатнашчилари семинар туфайли кўп нарсаларни ўрганиб олдилар.

**Ж. ХУШБОҚОВ,**
**''Туркистон'' мухбири**

Пойтахтнинг Сайлгоҳ кўчасида ҳунар - техника билим юртлари ва бошқа таълим-тарбия муассасаларида ўқув устахоналарида тайёрланган буюмлар, тажриба томорқаларида етиштирилган маҳсулотлар ярмаркаси бўлди. Ҳар сафаргидай бухоролик зардўзлар, чустлик, қашқадарёлик ва сурхондарёлик ҳунармандлар яратган буюмлар кўпчиликка манзур бўлди.






Янгийўл туманида техниканинг сўнгги янгиликлари билан жиҳозланган пахта тозалаш заводи қад кўтармоқда. Корхона пахтакорлар пешона тери эвазига етиштирилган ''оқ олтин''ни тез ва сифатли қайта ишлаш қувватига эгадир. Жиҳозларни созлашда ушбу суратда тасвирланган Баҳром Қорахўжаев ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

**Сураткаш А.Герасимов.**

Халқ таълими вазирлиги ''Янги турдаги таълим муассасаларининг қабул ҳайъати ҳақида йўриқнома'', ''Ўқувчиларни лицейга қабул қилиш қоидалари'', ''Ўқувчиларни гимназияга қабул қилиш қоидалари'' ҳақидаги ҳужжатларни тасдиқлади.

''Туркистон'' саҳифаларида мазкур ҳужжатлар моҳияти тўғрисида мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан алоҳида суҳбат чоп этилади.

## БУНЁДКОРЛИК БИЛАН БАНДМИЗ

*Муносабат*

Баъзан бошқа шаҳарга бориб қолсак, Термиздан эканлигимизни эшитганлар: «У ерда қандай яшаяпсизлар? Анча нотинч деб эшитамиз, отишма овозлари келиб турса керак-а», деб сўраб-суриштира бошлайди. Шунда мен «Ҳеч хавотирланадиган жойи йўқ, аввал қандай яшаган бўлсак, ҳозир ҳам шундай яшаяпмиз. Одамлар тинч ҳаёт кечириб, бунёдкорлик ишлари билан банд», деб жавоб бераман. Аслида ҳам шундай. Ҳаёт маромида давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Алматига расмий ташриф билан жўнаш олдидан Тошкент аэропортида журналистларнинг саволларига жавоб қилиб, мамлакатимиз сарҳадлари мустаҳкам, уни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун етарли кучга эгамиз, Афғонистондаги кейинги воқеалар бошланишидан анча олдин зарур чоралар кўрилган эди, деб очиқ-ойдин гапириб берди. Демак, бутун мамлакатимизда, жумладан Термиз шаҳрида бехавотир, тинч ва осуда яшаш учун барча шароит мавжуд.

Мен шаҳардаги олтинчи мактабнинг бошланғич синфларида қарийб ўттиз йилдан буён ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келяпман. Олий ўқув юртини ҳам шу ерда тамомлаганман. Қизим Гулнора ўрта мактабни тугатяпти. Катта қизим ҳарбий госпиталнинг жарроҳлик бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайди. Ҳаётимиз тинч, осуда. Ҳамма ўз тирикчилиги, ҳаёт қувончларию ташвишлари билан банд.

**Валентина САЛИЕВА,**
**Термиз шаҳри.**
**(ЎзА).**

## ИСТЕЪДОД СОҲИБЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон бастакорлар уюшмасида яқиндагина Америка Қўшма Штатлари бўйлаб ижодий сафардан қайтиб келган бир гуруҳ иқтидорли ёш пианиночилар - Успенский номидаги республика махсус мактаб-интернати ўқувчилари билан учрашув бўлиб ўтди.

Кўпгина мусиқашунос ижодкорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналарининг вакиллари иштирок этган мазкур кечада ёшлар ижросида мумтоз композиторлар асарлари ижро этилди.

Бу иқтидорли ёшлар ўқув юртининг моҳир педагоги Тамара Попович синфида таҳсил олган. Унинг шогирдларидан Алёша Султонов АҚШда, Улуғбек Полвонов Португалияда, Женя Мурский Англияда, Фазлиддин Муҳиддинов Германияда ўтказилган ёш пианиночилар халқаро танлови лауреати бўлган. Беҳзод Абдуллаев, опа-сингил Нодира ва Феруза Хайдарова, Рустам Муҳиддинов каби истеъдодли ўқувчиларни эса Америкада ҳам яхши билишади.

- Мамлакатимиз истеъдодларга бой, - дейди Республика бастакорлар уюшмасининг раиси Р.Абдуллаев. - Уларни элга танитиш борасидаги бутун ютуқларимиз юртбошимизнинг маънавиятни юксалтириш, ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг санъатидан халқни баҳраманд этишга катта эътибор бераётганлиги самарасидир. Бугунги кеча ҳам ана шу мақсадда ташкил этилди.

**Б.Мансуров,**
**ЎзА мухбири.**

*Иқтидорлилар - юрт бахти*

# КЎНГИЛ ҚЎНҒИРОҒИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон билан суҳбат**

- Машҳур адибларимиздан бири : '' Истеъдодлар юлдузлар кабидир.Улар бир-бирини инкор этмайди. Лекин бир-бирининг қобиғига сиғмайди ҳам» деган экан. Ўз коинотига эга бўлган юлдузларнинг жамул жам тузган машварати оламни нурга тўлдирса, бундан яхшиси борми?''- дейди ҳозиргина ўтказилган мушоирадан кўнгли кўтарилиб терисига сиғмай юрган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон.- Қандай гўзал мушоира бўлди-я. Шарифа Салимова, Зебо Мирзаева, Фароғат Камолова, Фарида Бўтаеваларнинг нозик ва дилбар мисралари ҳаммага маъқул бўлди.

**- Йўлдош ака, уюшмада ана шундай мушоиралар тез-тез ўтказиб туриладими?**

- Кеча ёш мунаққидларнинг адабий мунозараси ўтказилган эди. Мана бугун мушоира бўлди. Яқин кунларда эса ёш носирлар асарларининг муҳокамаси бўлади. Муҳокама, мушоира ва мунозаралар аксарият бирин-кетин давом этар экан, ўз-ўзидан муҳокама мушоирага, мушоира муҳокамага айланиб кетади.

- Хабарингиз бор, ўтган йили газетамиз қошида шоир Рауф Парфининг ''Шеърият сабоқлари мактаби''ни очгандик. Қисқа фурсатда бу тўгарак кўплаб истеъдодли ёшларни кашф этди, ўзининг талайгина ўқувчиларига эга бўлди...

- Ижодкор аввало ўзини ўзи кашф этмаса ўзгалар буни сезмайди. Шунинг учун ҳар бир ижодкор ўзини ўзи тарбиялаб камол топтирмоғи лозим. Ҳар қандай яхши асар ҳеч қачон эътиборсиз қолиб кетмайди. Устознинг маънавий ёрдами ва ўзгаларнинг эътибори албатта ижодкор кўнглини осмонларга кўтаради. Ўзига нисбатан ишонч ва қудратни уйғотади. Мен ''Устоз ва шогирд'' анъанасини истеъдодни камолотга етакловчи муқаддас поғона деб ҳисоблайман. Кейинги пайтларда бу анъаналар сусайиб кетаётгандай. Шу туфайли янги истеъдодларнинг ижодий фаолияти тўлалигича намоён бўлмай қоляпти, назаримда.

''Устоз ва шогирд'' анъанасини давом эттиришда ўзига хос анъаналаримиз ҳам бор эди-ку. Миртемир, Ғайратий каби устозларимизни бир эслайлик. Бундай тўгараклар ва ижод мактаблари ёшларимизга катта ёрдам беради, деб ўйлайман.

Ёзувчилар уюшмасида ўтган йили иш бошлаган Шодиқул Ҳамро раҳбарлигидаги ''Ёш носирлар'' ҳамда Салим Ашур раҳбарлигидаги ''Ёшлар шеърияти'' давралари бу йил ҳам ўз фаолиятини давом эттираётгани диққатга сазовордир. Бундай тўгараклар ва давралар ҳамма вилоятларимизда актив фаолият кўрсата олса, айни муддао бўларди=да.

**- Бозор иқтисодининг тамойиллари ва талаблари ижодкорлар ҳаётига бевосита кириб борар экан, китоб чиқариш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Айтайлик, китоб чиқармоқчи бўлганлар меҳрибон ҳомийни ўзлари излаб топишлари керак. Устига устак қоғоз тақчиллиги ҳам бор.**

- Саволингизга тушундим. Бизнинг халқимиздай шоир, ёзувчисини бошига кўтарадиган халқ ер юзидан топилмаса керак. Ҳозир бирон қишлоққа бориб ''импорт мол сотилади ''десангиз, фақат пули бор одамларгина шошилиб қолади. Агар : ''Тошкентдан зўр ёзувчи ёки шоир келибди'' десангиз, бою камбағал, кексаю ёш кўнглида бир олам ҳаяжон билан йиғилиб келади. Яна бири қўйиб, бири қўймай хонадонига меҳмондорчиликка таклиф қилади. Ўша Фарғонадаги донғи кетган фирманинг директори ҳам зўр молини даллол орқали зўрға харидор қўлига топширади. Лекин битта шеърингизни яхши кўриб қолса ёки ''Саид Аҳмад янги роман ёзибди'' десангиз ҳеч иккиланмай фирмасининг камида ярим бойлигини китоб чоп этишга сарфлашига ишонаман.

Ижодкор ёшларнинг китобларини нашр этиш масаласида яхши режаларимиз бор. Бу йил худо хоҳласа, уюшмамиз тавсиясига кўра, 25 та ёш ижодкорларнинг илк китоблари Давлат Матбуот қўмитаси ҳамда ''Камолот'' жамғармаси ҳомийлигида ''Камалак '', ''Ёзувчи'', Ғафур Ғулом номидаги ва ''Чўлпон'' нашриётларида чоп этилиши мўлжаллаб қўйилган. Яна бир муҳим тадбирларимиздан бири шуки, июнь ойида Жиззах шаҳрида Республика ёш шоир ва ёзувчиларининг навбатдаги семинарини ўтказишни режалаштирганмиз. Ҳозирдан жойларда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

**- Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган янги авлод вакиллари ҳақидаги фикрингиз билан ўртоқлашсангиз.**

- 1996 йилда уюшмамизга бир нечта ёш истеъдодли ижодкорларимиз қабул қилинди. Мен уларнинг ҳар бирининг номини кўнглим тўлиб фахр билан тилга оламан : Иқбол Мирзо, Салим Ашур, Абдувоҳид Ҳайийт, Рустам Мусурмон, Исажон Султон, Вафо Файзулло, Наби Жалолиддин. Келажакда бу ижодкорларимиздан умидимиз катта. Уларнинг олдида мустақил адабиётимизнинг пешқадам вакиллари бўлиб ўзбек адабиётининг янги қўриқларини очиш вазифалари турибди.

**- Ёш носирлардан кимларнинг ижодини кузатиб борасиз.**

- Ёш носир Шодиқул Ҳамронинг ижодий фаолиятини кўпдан бери кузатиб бораман. Айниқса, унинг ''Қора кун'' деб номланган янги қиссаси менга ёқди. Абдуқаюм Йўлдошнинг ҳикоялари эса ўзига хос кайфият бахш этади одамга. Исажон Султондай ажойиб носиримиз кўринмай қолди. Ишқилиб янги бир катта асарга куч-қувват тўплаётган бўлсин-да...

**- Ёш мунаққидлар ижодига муносабатингиз?**

- Мунаққид Раҳимжон Раҳматнинг фаолиятидан мамнунман. Етишиб келаётган янги бир ижодий муҳит ва унинг имкониятларини ўта сезгирлик ва ишонч билан кузатади. Яқинлашиб келаётган Фикр ва Туйғунинг моҳиятини теран англайди.

Ёзувчилар уюшмасини кўнгил қўнғироғига ўхшатаман. Келгусида бу қўнғироқ адабиётимизга кириб келаётган ижодкор ёшларнинг овози ва иқтидоридан янада қудрат ва салобат касб этишини жону дилим билан истайман!

**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА**

Акмал Икромов туманидаги 453 - болалар боғчаси ''Камолот ғунчалари'' деб аталадиган бўлди.

Республика ''Камолот'' жамғармаси бу болалар муассасасини ўз оталигига олиб, унга компьютерлар совға қилди. Кейинчалик ҳам ''камолотчилар'' кичкинтойлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг турли байрам тадбирларини ўтказишларига ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатишади.

Ҳамза номидаги академик театр биносида бўлган Ички ишлар вазирлигида ўтаётган ''Ўзбекистон қўшиқ байрами'' вилоятлар бўйича кўрик-танловининг якунловчи босқичи ниҳоясига етди.

Биринчи ўрин - Турон юлдузлари дастасига, иккинчи ўрин Н. Рахматова, Д. Қутлимуродова ва учинчи ўрин О. Аҳмедов ва Қ. Шариповга насиб этди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 3 июнидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматини 61 сўм 12 тийин миқдорида белгилади.

### Қатағон қурбонлари

# ТАРАҚҚИЙПАРВАР АКА-УКАЛАР







Ижтимоий таназзулга учраган жамиятнинг тараққиётга юз буриши миллат орасидан етилиб чиққан, умумдавлат азиматида фикрловчи, янгилик ҳамда ислоҳотга, умуминсоний маърифатга ташна кишилар фаолиятига боғлиқ, десак муболаға бўлмайди. Бундай кишилар ўз билгилари билан чекланмай, инсоният тўплаган энг янги илмий-маданий ютуқларга таянадилар ва улардан самарали фойдаланадилар. Ака-ука Комилбек ва Каримбек Норбековлар ана шундай инсонлар эди.

Комилбек ва Каримбек Тошкентнинг машҳур кишиларидан Муҳаммадаминбек Норбек ўғлининг фарзандларидир. Ака-укалар миллий таълим-тарбия билан чекланмай, рус-тузем мактабида ҳам таҳсил кўрган ва ўзга тилни пухта билишган. Комилбек Норбековнинг фарзандлари Фахриддин Комилов ва Каримбек Норбековнинг кенжалари Арслонбек Каримов билан суҳбатлашганда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. / Бизни улар билан таништирган адабиётшунос олим ва педагог Улуғбек Долимовга самимий миннатдорчилик билдиришни бурчим деб биламан /.

Ака-ука Норбековларнинг Туркистондаги жадидчилик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ фаолияти ўрганилган эмас. 1914 йилда Тошкентда тузилган, чор ҳукумати томонидан тан олинган ва низоми расмий тасдиқланган ''Турон драма санъати ҳаваскорлари жамияти'' ва ''Турон'' труппасининг муассислари орасида Комилбек ва Каримбек Норбековлар ҳам бор эди. Буни шу жамият ''Низомида'' уларнинг исмлари қайд этилгани ҳам исботлайди. Улар ''Низомда'' ёзилганидек, халқимизни ''соғлом томоша'' билан ошно қилиш, театрлар, кутубхоналар, қироатхоналар, мусиқа курслари очиб, талабаларга луқмаи маош / стипендия / тўлаб, хорижда ўқитиш ишига бел боғлайдилар. 1917 йил 24 сентябрда атоқли адиб, публицист Туркистон жадидларининг йўлбошчиси Мунавварқори Абдурашидхонов ''Муаллимлар жамиятини'' ташкил этиш хусусида уюштирган ''Миллий зиёфат''да Тошкентлик талайгина бойларни чақириб, миллат болаларини чет элларга юбориб ўқитиш, маорифни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишга даъват қилади. Ана шу зиёфатда Комилбек ва Каримбек Норбековлар ҳам иштирок этадилар. Масала моҳиятини тушуниб етган ака-укалар сира иккиланмай 100 сўмдан / бу пул ўша даврда олтин қадрида юрганини унутмаслигимиз лозим / пул бериб, эл маорифининг ривожланиши учун камарбасталик қиладилар. Каримбек миллат зиёлилари орасида маърифатпарварлиги билан донг таратган Мунавварқорига муҳаббати туфайли иккинчи ўғлига Мунавварбек деб исм қўяди.

Ака-укалар асосан кўнчилик саноати билан шуғулланишган. ''Садойи Туркистон'' газетасида босилган эълонларга қараганда, улар ''Тери, чарм, шавро ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш'' заводига эгалик қилишган. Уларнинг Туркистонда ва хорижда, хусусан, Варшавада, Русиянинг Петербург, Москва шаҳарларида ўз дўконлари бўлган. Бу тараққийпарвар ака-укаларнинг ўзбек маданиятига муносабатини С.Морозов, П.Третьяков каби рус бойларининг ишларига қиёслаш мумкин. Ҳолбуки бу даврда Тошкентда улардан бойроқ кишилар ҳам бўлган, аммо улар ўз бойликларини беҳуда сарфлашгани маълум.

Комилбек Норбеков 1880 йилда таваллуд топган. Таълим-тарбия меъёрига етиб, камолотга эришган вақтда Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Илҳомжон Иноғомжонов, Каттахўжа Бобохўжаев, Тўлаган Хўжамёров - Тавалло каби миллатпарвар инсонлар билан дўстлашади. Улар билан ҳамфикр бўлган Комилбек ҳамкасблари ҳамкорлигида халқимиз ижтимоий онгини очувчи миллий очқичларни излайди ва бундай муассасаларни ташкил этишда фаол қатнашади. Театр санъатининг миллат ижтимоий-маданий ҳаётидаги ўрни ва вазифасини англаб етган Комилбек ''Турон'' жамиятини ташкил этади. Унинг ниҳоятда фазилатли ва зукко инсон эканлиги қилган ишларидан ҳам сезилган. Чунончи, у дўстлари М. Подшохўжаев, М. Абдурашидхонов, О.Абдураҳмонов, А.Саримсоқов, У.Муҳаммадумархўжаев, Тавалло, Т.Азизхўжаев, С.Саидазимбоев, Абдулла Авлоний, Ҳ.Дадахўжаев, И.Иноғомжонов билан бирга ''Туркистон ўлкаси мусулмон халқи орасида газета, журнал, китоб ва савдо орқали умумоврўпо маданияти ва маорифи асосларини тарқатиш мақсадида'' 1914 йилда ''Нашриёт фирмаси''ни ташкил этади. И.Иноғомжонов билан бирга фирманинг ишларини тараққий эттириш учун зарур бўлган омонат билан таъминлайди. Савдо ишлари бароридан келса, газета ва журнал, китоб савдосини йўлга қўйишни ният қилади. Бу ниятлар давлат тепасига шўролар ҳукумати келгунга қадар амалга ошади. Элимизга ''Садойи Туркистон'' газетаси, талайгина китоблар етказиб берилиб, халқимиз маънавиятига катта ҳисса қўшади.

Энди Каримбек Норбеков ҳақида икки оғиз сўз. Каримбек ҳам ўз акаси билан бирга ''Турон'' театри фаолиятига сезиларли даражада аралашган. Айниқса, труппанинг иқтисодий томонига яхшигина ёрдам бериб турган. Чунончи, труппа машҳур озарбайжон драматурги М.Ордубодийнинг ''Андалуснинг сўнгги кунлари'' драмасини саҳналаштириш мобайнида, саҳнани безатиш ва бошқа жиҳатлардан қийналиб қолади. Шунда Каримбек Норбеков ёрдам қўлини чўзади. 1919 йил август ойида бу асар оммага тақдим этилади. Ушбу спектаклга ''Иштирокиюн'' газетасида босилган тақризда К.Норбековга кўрсатган ёрдами учун самимий ташаккур билдирилади. Бу Норбековларнинг миллий театрга биринчи бор ёрдам беришлари эмасди. Улар 1915 йилда ''Турон'' труппаси саҳналаштирган Нусратуллоқори Қудратулло-нинг ''Тўй'' драмаси асосида яратилган спектаклга билет тарқатишда жонбозлик кўрсатганлар. Бу ҳақда ''Садойи Туркистон'' газетаси ''...Билетлар сотиш тўғрисида кўп фойдалари теккан Комилбек Норбеков, Каримбек Норбеков... афандиларга идора тарафидан кўп раҳмат ва ташаккурлар арз қилурмиз'', деб ёзгани маълум.

Шўролар ҳукумронлиги даврида ака-укалар тинч меҳнат билан шуғулландилар. Фахриддин аканинг гапларига қараганда, оталари ва амакилари янги тузумга қарши курашмаганлар. Аммо миллий масалада янги замонда эски ашуласини айтган Русия ҳокимиятининг шафқатсиз сиёсати ака-укаларнинг миллатпарварона фаолиятини давом эттиришга имконият бермай, уларни жазолаш пайига тушди. Комилбек ва Каримбек 1930 йилнинг ёз ойида ўзларининг Чимбойдаги ва Жарариқдаги боғ-ҳовлиларидан қамоққа олиндилар. Иғво, туҳмат айблар билан ака-укалар Новосибирскка сургун қилинадилар. 1932 йили Комилбекнинг қариндоши, қадрдон ва мард дўсти Қосимбек Йўлдошбек ўғли жиянлари Муҳиддинбек, Фахриддинбек билан Анварбекни олиб Новосибирскка боради. Болалар ўз оталари билан дийдор кўришадилар. Аммо бир ҳафтадан сўнг ўз оталаридан яна узоқ муддатга айриладилар.

1933 йили Комилбекнинг марду майдон дўсти НКВД ходими либосида тамомий ҳужжатлар билан Новосибирскка бориб, уларни лагердан олиб қочиб келади. Ака-укалар Тошкентда бор-йўғи икки-уч соат турадилар. Вақтни ғанимат билиб, ўша дўстлари билан бирга яширинча ватандан чиқиб кетадилар. Орадан бир неча ҳафта ўтгач, Ғулжага етиб оладилар.

Каримбек бу ерга келгач, ёруғ кунларни кам кўради. Руслар 1935-1937 йилларда Шарқий Туркистонга, Гоминдан ҳукумати идорасига ўз махфийларини юборади. Уларнинг ташаббуси билан Русиядаги ЧК, ВЧК, НКВД га ўхшаш ''Сиёсий милиция бошқармаси'' ташкил этилади. Русия шўролар ҳукумати Туркистондан бош олиб кетган заковатли, ватанпарвар инсонларни ана шу ташкилот ҳамда ўз жосуслари қўли билан йўқотишга интилди ва маълум даражада бунинг уддасидан чиқди. Каримбек Норбеков ҳам бор-йўғидан айрилиб, етти йилга қамалади. Ўзбеклар, қирғизлар, уйғурлар, қозоқларга қарши юздан ортиқ қийноқ усуллар қўлланганининг гувоҳи бўлади. Маҳбусликдан озод бўлгач, ватанга қайтишни истайди, аммо виза ололмай қийналади.

- Дадамлардан дастлаб 1947 йилда хат келди, - дейди Каримбек Норбековнинг кенжа ўғиллари Арслонбек ака ички бир изтироб билан, - Замона нобоплиги туфайли, оиламизга гап тегмасин, деб жавоб ёзишга қўрққанмиз. Ўша пайтда исмларимиздан ''бек'' қўшимчасини олиб ташлаб яшашга тўғри келганди. Шу сабабли дадамларга виза юборишга имкониятимиз бўлмаган. 1968 йилда Госпланда ишлар эдим. Наманганга иш билан кетган эдим. Сафардан қайтиб дадамларнинг келиб, опамларникига тушганларини эшитдиму ҳузурларига йўл олдим. Ўттиз беш йиллик жудоликдан сўнг ота-болалар топишдик. Улар кетганларида акаларим Анварбек, Мунавварбек ва мен ёш болалар эдик. Атиги икки йил дадамлар билан бирга яшадик. Дадамлар 1970 йили оламдан ўтдилар. Улар умрларининг сўнгги дақиқасигача ҳеч кимга на ўтмишу ҳозирги кун сиёсати ҳақида, на Ғулжада кўрган-билганлари ҳақида бирон гап айтмасдан ўтиб кетдилар.

Мустабид тузум Каримбекнинг охирги нафасигача кўз кўрмас қоровул қўйиб қўйган эди. ''Индамаганинг олтин'', деб кўплар қатори маданиятимиз, ўтмишимиз ҳақидаги маълумотларни айтолмай кетди. Асрлар мобайнида инсон тасаввурига сиғмаган азоб ва қийноқлар кашфиётчиси бўлган шўролар Ежов, Берия каби жаллодлар қўли билан ўз ҳудудидаги ўзбекларни қирган бўлса, Шарқий Туркистонда Шин Си Сойлар қўли билан миллатимиз гулларини бўғизлади, азоблади, аммо муродига ета олмади, яратганнинг ўзи уларни ер билан яксон этди.

Комилбек Норбеков тақдири укасининг қисматидан ўзгачароқ кечди. У Ғулжага етиб боргач, қадрдонлари ёрдамида ишларини бир оз йўлга қўйгандек бўлди. Аммо юрт ва фарзандлари соғинчи уни бир зум тинч қўймади. Кўз юмди дегунча, ўғиллари Муҳиддинбек ва Фахриддинбекнинг маъсум қиёфаси гавдаланаверди. Айниқса, кенжатойи билан бир дам суҳбатлашиш, унинг тотли сўзларини эшитишни қўмсаб, юрагини тушунтириб бўлмас бир туйғу эзаверди. Шу боис оиласини олдириб келиш учун Тошкентга махсус одам ёллади. Ялавоч унинг уйига келганда, яъни 1935 йили фарзандлари 13-17 ёшлар чамасидаги болалар эди. Улар бегона юртга қандай бориш, йўл азоби ва қўрқуви бир томондан, иккинчи томондан, ўрганган жойни ташлаб кета олмаслик туфайли ялавочга мажбуран рад жавобини берадилар. Охир-оқибатда Комилбек:''Мен бу ерда бўлсам, абадий сургунда эканман, болаларимни бир кўрсам, айниқса, кенжатойим, сариғ ўғлимни кўриб, у билан бирга бир коса мошхўрда ичиб ўлсам, армоним йўқ'', - дейди ва ўлимни бўйнига олган ҳолда соғинч тўлқини билан ватанига қайтади. У эҳтиёт чорасини кўриб Тошкентга оқшом пайти кириб келади ва Гулистон маҳалласидаги қариндошиникига тушади. Қариндошлар уни ҳурсандчилик билан кутиб олиб, дарҳол уйига одам юборадилар. Аммо унга оиласи, фарзандлари билан бу ҳовлида қучоқ очиб кўришиш насиб этмайди. Маҳаллага қўйилган инсон қиёфасидаги тубан жонивор дарҳол воқеадан хабар топиб, эгаларини огоҳлантиради. Қора чармкамзулликлар келиб, уни олиб кетишади. ''Чегарани бузиб келгансан, от ўғрисисан'', деган баҳона билан 1935 йили саккиз йилга озодликдан маҳрум этилади.

Сургунда юрган чоғида ёзувчи Зиё Саид билан танишиб қолади. У ёзувчига ''Тарих тилга кирди'' асарингизда талабаларни тилла бериб чет элга жўнатган Комилбек Норбеков'' деганингиз мен бўламан, деб ўзини таништиради. Ёзувчи уни қучоқ очиб қарши олади. Нобоп ижтимоий тузумнинг ўйинчоғига айланиб қолганини кеч англаган ёзувчи изтироби янада ортади. Аммо наилож?!

Шўролар Русиянинг қамоқхонаси азоб-уқубатларини татиган, уларнинг ғайриинсоний қиёфасини кўрган Комилбек Норбеков 1943 йили ич терлама касали билан оғрийди. Қамоқ муддати тугаб, оқланиб уйига қайтган Комилбек оила аъзоларини бағрига босиб, ҳол-аҳвол сўрайди. Қараса, катта ўғли Муҳиддинбек транспорт муҳандиси, кенжаси Фахриддинбек шифокор... У шу аснода бир вақтлар Оврўпага боргани ва у ердаги шаҳарларнинг зиёлилари эшигига «Доктор фалончиев,» ''Инженер фалончиев'' деб ёзиб қўйилганини кўргани хотира кўзгусида жонланди шекилли, мамнун ҳолда ''Эшигимизга ''Доктор Фахриддин Комилов'', деб ёзилади'', дея хурсанд бўлади. Мақсадининг амалга ошгани кўнглини нурга тўлдириб, бир зум йигирма йил мобайнида чеккан азобларини унутгандек бўлади. Ўғли Фахриддин олиб келган маошини унинг қўлига икки қўллаб узатганда қалбидан кечган аллақандай туйғу ифодаси бўлмиш ёшни кўзига чиқармасликка интилиб, бир даста қизил пулнинг орасидан атиги биттасини суғуриб олиб, фарзанди аржумандини ''Болам, тупроқ олсанг, олтин бўлсин!'' дея дуо қилган эди. ''Ҳозирги турмушимдан мамнунман, балки бу ҳаётим отамларнинг қилган дуолари натижасидир'', - дейди Фахриддин ака кўзига ёш олиб. - Дадамлар орадан уч ой ўтгач, олтмиш уч ёшда дунёдан ўтдилар.

- Оталарингизнинг ҳаёти сизларга салбий таъсир кўрсатдими?— сўрайман амакиваччалардан.

- Бизнинг оиламизга таъсири унчалик сезиларли бўлмади. Чунки Анварбек ва Мунавварбек акаларим ёш эдилар.

- Бизнинг оилага эса яхшигина таъсири бўлди, - дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, медицина фанлари номзоди, уч олий категорияга эга доктор Фахриддин Комилов. - Акам Муҳиддинбекни сиёсий латифа айтган, деб қамашди. Ўзимни анча вақт илмдан четлаштиришди. 1947 йили аспирантурага кирдим. 1951 йили илмий ишим тайёр бўлиб, эрта-индин ҳимоя қиламан, деган пайтимда фирқа котиби Дидеченко бойнинг боласи, деб ишимни тўхтатиб қўйди. Энди қўлим ошга етганда, орзуларимни чил-чил синдирди. Нима қилишимни билмай, тунларни тонгга улаганларим ҳамон эсимда. Ўшанда ариза кўтариб учрашмаган одамим қолмади. Москвагача хат ёздим, фойда бермади. Кейин ''Тез ёрдам хизмати''га оддий шифокор бўлиб ишга кирдим,- дейди сочлари оппоқ 76 ёшли отахон Фахриддин Комилов. - Ишни нулдан бошладим. Ҳалол хизмат қилиб, оддий шифокорликдан шаҳар ''Тез ёрдам кўрсатиш хизмати''нинг бош шифокори даражасигача эришдим. 1973 йилда ''Тошкент шаҳри тез ёрдам кўрсатиш хизматининг тарихи, аҳволи ва истиқболи'' мавзуида илмий иш ёзиб, номзодлик диссертациясини ёқладим. Бу ўша пайтда Иттифоқ миқёсидаги иккинчи илмий иш экан...

Шаклан ва мазмунан янги типдаги саноатчи бойлар ака-ука Комилбек ва Каримбек Норбековларнинг ва фарзандларининг қисқача қисмати шундан иборат. Агар қаттол рус-шўро ҳукумати бу ажойиб инсонларнинг ҳаётига тажовуз қилмай, уларнинг иш тажрибасини ўрганганда, мамлакат кўнчилик савдо-саноатида салмоқли муваффақиятга эришган бўларди, албатта. Уларнинг фарзандлари ҳам бунчалик азоб чекмасмиди?

Комилбек ва Каримбек Норбековлар ва буларга ўхшаш миллионлар тақдири ўз зиёлилари, етук олимлари, мутахассислари қадрига етмаган тузум доимо инқирозга юз тутиши, ўзининг асл фарзандларини ҳимоя қилишдан ожиз, доимо сиёсий аутизмда яшовчи халқ ўзгалар малайига айланиб, охир-оқибат ер юзидан супурилиб кетиши муқаррарлигини кўрсатиб турибди. Ўтмиш авлоднинг аччиқ қисмати миллатнинг ўз истиқболини доимо ўйлаши учун жаранги оламни тутадиган бонг овозидай янграб туради. Бинобарин бу овозга қулоқ осиб, элга, ватанга самимий хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг олий бурчидир. Ана шунда Истиқлол томири теранлашиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Атоқли адиб ва публицист Абдурауф Музаффарзода ''Садойи Туркистон'' газетасида 1914 йилда ёзган ''Шукр ва рижо'' ташаккурида Комилбек ва Каримбек Норбековларни ''Тошкентнинг машҳур тараққийпарвар ва фикрли зотлари'' деб атаган эди. Бинобарин, улар маданиятимиз тарихида ана шундай инсонлар сифатида қоладилар ва доимо тилга олинадилар, деб ўйлайман. Улар бу ҳуқуққа ўзларинигг эзгу ишлари билан эришганига шак-шубҳа йўқ. Охиратлари обод бўлсин.

**Сирожиддин АҲМАД**

**Суратларда:Каримбек НОРБЕКОВ,Комилбек НОРБЕКОВ дўстлари даврасида (1916 йил ) ва Фахриддин КОМИЛОВ**

# ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

**''ТУРКИСТОН''НИНГ БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИДАГИ МУХБИРЛАР ТАЯНЧИ ХАБАР БЕРАДИ**

Ўтган йилнинг ёзида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилиш майдонида кўргазмали лавҳа пайдо бўлган эди. Унда ҳар куни эрталаб иншоотнинг ишга туширилишига неча кун қолгани қайд этила бошлади. Ўшандан буён ўзига хос бу ''тақвим'' лавҳасидаги кунлар тобора камайиб бораётир. Фойдаланишга тахт қилиб қўйилган ўндан зиёд қурилма ва мосламаларда назорат-ўлчов ҳамда автоматик асбоб- ускуналар синовдан ўтказилмоқда. Мураккаб технологик жараёнларни амалга оширадиган қурилмаларни синчиклаб текшириш лозим. Бир-бири билан мустаҳкам боғланган иншоотлар мажмуи соат каби бетўхтов ва аниқ, нуқсонсиз ишлаши керак. Назорат-ўлчов ва автоматика бўлинмаси мутахассислари 30дан ортиқ қурилма ва воситалар жиҳозланишини синовдан ўтказадилар. Бир қараганда бу оддий ишдай кўринади. Аслида жуда мураккаб жараёндир.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга тушгач, йилига бир неча юз минг тонна газ конденсатидан етти турдаги ёқилғи маҳсулоти ажратиб олинади. Бу маҳсулотлар жаҳон бозорида харидоргир, рақобатбардош бўлишига ҳозирдан алоҳида эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам фойдаланишга тахт қилиб қўйилган ҳар бир объект ҳар томонлама текширувдан ўтказилади. Апрель ойининг биринчи ярмида нефт ва ундан олинадиган тайёр маҳсулотлар қуйиладиган 5-10 ҳамда 20 минг тонна сиғимдаги резервуарлар фойдаланишга яроқли эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилинди. Энг йирик резервуар-35 минг тонна нефтни сиғдира олади. Ўндан ортиқ ана шундай сиғимларда минглаб тонна нефт, хом ашёси сақланади. Демак, бажарилган ҳар бир юмуш сифатли, соз бўлиши зарур. Нуфузли комиссия томонидан газ конденсати ҳисоблаш маскани, турли ёқилғи маҳсулотлари ажратувчи қурилмалар, ёнғинга қарши ишлатиладиган сув тармоғи, азот-кислород станцияси, ҳимоялаш объектлари, тозалаш иншоотлари, фойдаланилган сувни қайта ишловчи, сув совутгич насос станциялари жиддий кўрикдан сўнг қабул қилинди.Электр алоқа тармоғи ҳам синовдан муваффақиятли ўтди.

Улкан корхонанинг юраги ҳисобланган асосий технологик жараёнлар амалга ошириладиган майдонда ҳам ишлар қизғин. Француз ва турк мутахассислари газни мувозанатлаштирувчи, тозаловчи ўндан зиёд миноралар қурилишини ниҳоясига етказдилар.

Завод ҳудудида 31 километр узунликдаги йўл ва йўлаклар қурилиши ва кўкаламзорлаштириш авжида. Қоровулбозорда мустақил юртимиз тарихида ёрқин из қолдирадиган мунаввар тонг отишига саноқли кунлар қолди.

## КОРХОНАДА БИЛИМДОНЛАР ИШЛАЙДИ

Собиқ иттифоқ даврида маҳаллий ёшлар республикамиздаги техника олий ўқув юртларини битириб чиққан бўлсаларда, кўпгина соҳалар қатори нефть ва газ саноати корхоналарида ҳам четдан ''таклиф'' этилган мутахассислар асосий бўғинларда ишлашарди. Эндиликда бундай анъана барҳам топган.

Кейинги уч-тўрт йил ичида ўз билими, ташаббуси, мураккаб муҳандислик ишларини ҳал қила оладиган иқтидорли ёшлар сафи кенгайиб бораётганлиги яққол кўзга ташланиб қолди. Мамлакатимизнинг йирик иншоотида ана шундай замондошларимиз меҳнат қилади.

- Завод ишга тушгач, унда кимлар ишлайди ва мутахассислар етарлими?- деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Бу масалани завод қурилиши бошланган дастлабки пайтда ҳал этишга киришилган эди.

Нефтни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилгач, унда мингдан ортиқ малакали мутахассислар меҳнат қила бошлади. Заводни бошқариш жараёнида иштирок этадиган мутахассислар дастлабки босқичда қуйидаги тартибда тўпланди: Ишга кирмоқчи бўлганлар рўйхатга олиниб, соҳалар бўйича гуруҳларга ажратилди. Биринчи галда олий ва ўрта махсус маълумотга эга, кам деганда 3-4 йил иш стажига эга бўлганлар танлаб олинди. Шундан сўнг нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарида ишлаган, унинг технологиясини билган, назорат-ўлчов асбоблари ҳамда автоматикадан хабардор ва уларни ишлатишни биладиганларга эътибор берилди. Бу ҳаммаси эмас. Завод Франциянинг ''Текнип'' фирмаси технологияси асосида ишлайди ва заводда ишлайдиган ҳар бир киши ана шу мураккаб технологияни билиши, уни ўзлаштириши лозим. Иккинчи босқичда фирманинг ''Ипдекс'' бўлими мутахассислари томонидан тайёрланган дастур ҳамда кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича шуғулланувчи гуруҳ суҳбатидан ўтганлар ишга киришга муваффақ бўладилар. Шундай қилиб, Муборак, Шўртан газни қайта ишлаш заводи, Бухоро ва Фарғонадаги ўқув юртлари ҳамда нефтни қайта ишлаш заводидан ёшлар сараланиб олинди. Синов суҳбатларидан ўтган мутахассисларнинг бир гуруҳи турдош нефтни қайта ишлаш заводига малака оширишга жўнатилган бўлса, асосий бўғинраҳбарлик ишларида ишловчилар эса Францияга ўқишга юборилди.

Жаҳон андозалари асосида ишловчи иншоотда ходимлар шу тариқа танлаб олинган. Мақсад-корхонада ишловчилар билимдон, ўз соҳасини мукаммал билиши, мураккаб технологик жараённи бошқара олиш қобилиятига эга бўлишлари керак. Айни пайтда танлаб олинган мутахассислар заводнинг қурилиш жараёнида иштирок этиб, назарий билимларини амалий тажрибалар билан мустаҳкамлаб бормоқдалар. Француз мутахассислари раҳбарлигида ўқув машғулотлари мунтазам ўтказиляпти. Ўзбек йигитлари завод дастгоҳларини бошқарадиган дақиқалар яқинлашмоқда.

## ЮРТ ШУҲРАТИНИ ЯРАТАЁТГАНЛАР

Қурувчилик— шарафли касб. Завод қурилиши майдонларида қурувчилар бажараётган иш кўлами жуда катта ва хилма-хил. Юзлаб бинолар, иморатлар, иншоотлар улар қўлидан сайқал топмоқда. Бутун мамлакат бунёд этаётган нефтни қайта ишлаш корхонасидаги асосий юмуш ана шулар зиммасида. Республикамизнинг ўнлаб қурилиш ташкилотлари қатори, ''Бухороқурилиш'' ҳиссадорлик жамияти бинокорлари йирик иншоотда баракали меҳнат қилиб, заводни белгиланган муддатда ишга туширишга астойдил бел боғлаган жамоалардан ҳисобланади. Жамиятнинг 2 мингдан ортиқ қурувчи, ишчи-техник ходимлари уч йилдан буён улкан завод қурилишига сафарбар этилган. Ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Р. Раҳматовнинг айтишича, жамоа аҳли қатор йиллардан буён вилоятнинг энг муҳим қурилишларида иштирок этиб келаётир.

- Биз бунёд этган бинолар халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётган бўлсада,-дейди Расул Раҳматович, Қоровулбозордаги ишларимиз ўзига хос аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, ушбу жамоага заводдаги 34 объектда бинокорлик ишлари топширилган.

Жамоа аҳли ҳозирга қадар ошхона, қозонхона, таҳлилхона, 5та трансформатор станцияси, маиший хизмат бинолари, ўт ўчириш депоси, 15 километр узунликдаги канализация тармоқлари, узоқ масофага чўзилган деворлар, заводни ҳимоялаш тармоқларини қуриб битказдилар. Заводга узлуксиз электр манбаи етказиб берувчи станция ҳам қурувчилар қўлидан чиққан. Нефтчилар қўрғонида ҳам жамият аъзолари талайгина юмушларни адо этадилар. 8та 5 хонадонли иморат қуриб битказилди. Савдо дўконлари, спорт соғломлаштириш мажмуи, ''тез ёрдам'' маскани, болаларга мўлжалланган махсус майдончалар, 14та коттеж қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Қурилиш майдонларида фидокорона меҳнат қилаётган дурадгор Салим Сотиболдиев, Неъмат Қудратов, пайвандловчи-монтажчи Азамат Самадов, Валерий Филипов, ғишт терувчи Носир Аҳмедовларни шу куннинг қаҳрамонлари десак хато қилмаган бўламиз. Мақсуд Воҳидов етакчилик қилаётган ёшлар бригадасини эса ҳиссадорлик жамиятининг илғорлари сифатида тилга олишди.

Маҳмуд Мухторов, Облоқул Бобоқулов, Шаҳриёр Ҳакимов, Шодмон Ёдгоров, Хайрулло Ҳамроев, Кенжа Ҳақмуродов каби ёшлар жасорат майдонида юртимиз келажаги порлоқ бўлишига астойдил ишониб тер тўкаяптилар.

Бундай ёшларни нафақат ''Бухороқурилиш'' ҳиссадорлик жамиятида, балки завод қурилишида иштирок этаётган барча жамоаларда кўплаб учратиш мумкин.

**Баҳром СОЛИЕВ**

*Ташриф*

# ЯНГИ ВА ЯНГИ, ХИЛМА-ХИЛ...

Тез кунлар ичида юртимиз шаҳарлари бўйлаб дунёга машҳур ''Кодак'' фирмасининг қизиқарли таништирув дастурлари бошланади. 12 метрлик махсус ''Кодак-Экспресс'' юк машинасига ўрнатилган замонавий лаборатория ва ускуналар орқали ''Кодак''нинг энг сўнгги, мўъжизавий ютуқлари намойиш этилади. Ўтган йили дунё мамлакатлари бўйлаб қилинган ана шундай таништирув сафари муваффақиятли якунланган эди. ''Кодак-Экспресс''нинг бу галги йўналиши эса Ғарбий Европа мамлакатларидан сўнг тўппа-тўғри Ўзбекистонга бурилди. Малакали мутахассислар кўҳна ва сарғайган суратларингизга янги ранглар жилосини бахш этиш, исталган фотосуратни бир лаҳзада негативсиз катталаштириш, унга зарур ўзгартиришлар киритиш ва шу каби бошқа буюртмаларни бир зумда адо этадилар. Қисқаси, сиз ''Кодак-Экспресс'' суратлари ҳақиқий қувонч бағишлашини ҳис этасиз.

Шуни айтиш керакки, жаҳонга машҳур чет эл фирмаларининг юртимизга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораяпти. Пойтахтимиздаги ''Фокус'' қўшма корхонаси билан ҳамкорликда уюштириладиган таништирув сафари 12 июль куни Бухоро шаҳридан бошланади. Шундан сўнг ''Кодак-Экспресс'' мўъжизалари намойиши Самарқанд, Тошкент ва Фарғона шаҳарлари бўйлаб давом этади.

**Чарос ҒИЁСОВА**

